

6.2.3. Махсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Махсулот бериш вақтида шартнома бандларига тўлиқ риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва кечиктирилган хар бир кун учун 0,5 % миқдорда пеня тўлайди, лекин 50 % миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

7.2. «Сотувчи» «Харидор»га махсулотни ўз вақтида етказиб берилмаган хар куни учун махсулот баҳосидан 0,5 % пеня тўлайди.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 5 % миқдорда пеня тўлайди.

7.4. Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортса, «Сотувчи» 5 % миқдорда жарима тўлайди.

7.5. Махсулот учун «Харидор» ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни амалга оширмаган бўлса, кечиктирилган хар бир кун учун маблағ миқдоридан 0,4 % пеня тўлайди, лекин 50 % миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

7.6. «Сотувчи» омиборидан ўз вақтида мол-мулк олиб чиқиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Харидор» хар бир ўтказиб юборилган кун учун «Сотувчи»га омиборда сақланганлигидан келиб чиққан зарар учун 0,5 % миқдорда жарима тўлайди.

7.7. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8. Форс-мажор ҳолатлари

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимираши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

9. Низони ҳал қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

9.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди орқали ҳал қилинади.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

11. Бошқа ҳолатлар

11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

11.2. Тарафларнинг бошқа талаблари: _____

11.3. Шартномага илова: _____

12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари

«СОТУВЧИ»

«ХАРИДОР»

«Тилло Домор» ХК	Вилоят болалар уйи
Манзили: Урганч туман Янги Шовот кучаси 21 уй	Манзили: Урганч ш. Бухора куч уй
Тел/факс: 223-75-90; 719-60-82	Тел/факс: 2236682
х/р: 20208000504745555003	ш/хр: 100021860334017073320054001
ИНН: 301021044	ИНН: 203355706 ОКОНХ: 91516
ОКОНХ: 18221	Молия вазирлиги газначилиги
Банк: АКБ «Хамкор банк» Хоразм филиали	Ғазна х/в 23402000300100001010
МФО: 01161	Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент ш.
	МФО: 00014 ИНН: 201122919



Шарипов У
(Ф.И.О.)



Дзугаева Л.Р.
(Ф.И.О.)

Ҳуқуқшунос:

Нуруллоев Ф.П.